

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ
ИЖТИМОЙ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

189 Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар та-
йинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгар-
тиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил
15 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1136-3*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 31 декабр-
даги 372-сон «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси-
нинг «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2015 йилга мўлжалланган асосий йўна-
лишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси-
нинг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғри-
сида» 2014 йил 4 декабрдаги ЎРҚ–379-сон Қонуни)»ги қарорига мувофиқ
буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза
қилиш вазирининг 2002 йил 1 апрелдаги 21-сонли буйруғи (рўйхат рақами
1136, 2002 йил 8 май) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат
қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 й.,
9-сон) билан тасдиқланган Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар
тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгарти-
ришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга ки-
ради.

Вазир

А. АБДУҲАКИМОВ

Тошкент ш.,
2015 йил 8 апрель,
10-Б-сон

Ўзбекистон Республикаси
Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза
қилиш вазирининг 2015 йил 8 апрелдаги
10-Б-сон буйруғига
ИЛОВА

**Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар
тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 15-банднинг учинчи хатбошисидаги «Иккинчи жаҳон уруши» деган сўзлар «1941 — 1945 йиллардаги уруш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 21-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Иккинчи жаҳон урушининг» деган сўзлар «1941 — 1945 йиллардаги уруш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 26-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Иккинчи жаҳон уруши» деган сўзлар «1941 — 1945 йиллардаги уруш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Марказий банки, Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишилган.

Молия вазирли

Р. АЗИМОВ

2015 йил 8 апрель

Соғлиқни сақлаш вазирли

А. АЛИМОВ

2015 йил 8 апрель

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

2015 йил 8 апрель

*Давлат солиқ
қўмитаси раиси*

Б. ПАРПИЕВ

2015 йил 8 апрель

*Ўзбекистон Касаба уюшмалари
Федерацияси Кенгаши раиси*

Т. НАРБАЕВА

2015 йил 8 апрель